

Мисрда масжидлар мутлақо замонавий кўринишда барпо этилади



16:00 / 28.02.2019 2134

Маълумки, Мисрда бир-бирини такрор қилмайдиган минглаб кўринишдаги қадимий масжидлар бўлиб, улар дунё сайёҳларининг диққатини ўзига жалб этиб келади. Лекин бундан кейин Мисрда ҳам масжидлар бошқа араб давлатларида бўлгани каби, янгича дизайнларда барпо этилади, деб хабар беради El-Manitor сайти.

Давлат Вақф вазирлигининг хабар беришича, янги қуриладиган масжидлар мутлақо замонавий меъморчилик услубларида қурилади. Бу борада вазирлик томонидан ноёб меъморчилик кўринишидаги масжидларни барпо этиш учун миллий дастур лойиҳаси тайёрланган. Ҳукуматнинг масжидларни янги меъморчилик кўринишда барпо этиш ҳақидаги режалари мазкур дастур лойиҳасининг бир қисми бўлади. Миср Дин ишлари вазири

Жобир Тайяхнинг айтишича, масжидларнинг меъморий моделини танлаш учун ҳукумат томонидан танлов ўтказилади.

Islom.uz